# O'ZBEKISTONDA SOG'LIQNI SAQLASH
# ЗДРАВООХРАНЕНИЕ УЗБЕКИСТАНА

Tibbiyotning oliy maqsadi — inson salomatligiga erishishdir.



Высшее благо медицины — здоровье.

Gazeta 1995-yil oktabr oyidan chiqa boshlagan. E-mail: uzss @ inbox.ru № 6 (470) 2006-yil 7-13 fevral Seshanba kunlari chiqadi. Sotuvda erkin narxda.


*Ҳайъат йиғилиши*

## МУҲИМ МАҚСАДЛАР ЗАМИРИДА

***Жорий йилнинг 31 январь куни Соғлиқни сақлаш вазирлигининг навбатдаги ҳайъат йиғилиши бўлиб ўтди.***

Йиғилишни Соғлиқни сақлаш вазири Ф. Назиров кириш сўзи билан очиб, соғлиқни сақлаш тизимида олиб борилаётган фаолиятлар ҳамда «Тиббиёт ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашнинг такомиллаштирилган тизимини тасдиқлаш тўғрисида»ги Қарорининг жойларда қай тарзда тарғиб қилинаётганлиги ва вазирликнинг мутасадди раҳбарлари томонидан тарғибот ишларининг ўз вақтида олиб борилаётганлиги хусусида тўхталиб ўтди. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 10 ноябрь, 1998 йилдаги 2107-сонли «Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш Давлат дастури тўғрисида» ҳамда 26 февраль, 2003 йилдаги 3214-сонли «Соғлиқни сақлаш тизимини янада ислоҳ қилиш тўғрисида»ги Фармонларининг бажарилиши ҳақида гапириб, тизимда кўплаб ижобий ишларнинг амалга оширилганлиги, халқимизга кўрсатилаётган сифатли тиббий хизматнинг самарали натижалари ҳамда қўлга киритилган муваффақият, шу билан бирга ютуқ ва камчиликлар хусусида тўхталди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 5 июлдаги 242-сонли «Оилада тиббий маданиятни ошириш, аёллар соғлигини мустаҳкамлаш, соғлом авлод туғилиши ва уни тарбиялашнинг устувор йўналишларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Давлат дастурининг бажарилиши бўйича Соғлиқни сақлаш вазирининг ўринбосари А. Комилов маъруза қилди. Маърузада республика тиббиёт тизимида оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, соғлом авлод туғилиши, оилада тиббий маданиятни ошириш билан боғлиқ асосий масалаларга эътибор қаратилди. Шу билан бир қаторда республика тиббиёт муассасаларида юқоридаги масалалар юзасидан амалга оширилган ишлар натижаси ва келгусидаги фаолиятлар ҳақида атрофлича фикрлар билдирилди. Бундан ташқари, йиғилишда мамлакатимизда оналар ва болалар ўлимининг камайганлиги, тиббий кўрикларнинг ўз вақтида назорат остига олиниши, аёллардаги экстрогенитал касалликларнинг олди олинаётганлиги ҳам алоҳида қайд этилди.

Тадбир сўнгида келгуси режалар бўйича қилинадиган ишлар белгилаб олинди.

**Ибодат СОАТОВА.**




*Дил изҳори*

## ЮРАКДАГИ ШУКРОНА

***1968 йил. Ўшанда етти ёшда бўлсам керак. Оғир операциядан сўнг, чап буйрагимдаги тошдан халос бўлган эдим. Гўё бу дард энди мени безовта қилмаётгандай бамайлихотир юравердим. Кунлар, ойлар ва йиллар ўтиб, улғайиб, оилали, фарзандли бўлдим. Буйрагимдаги тош назаримда туғма эканми, кичик ўғлим Қувончбекда ҳам пайдо бўлгач, операция йўли билан бу муаммога ечим топилди.***

Қарангки, касаллик ўтган сари, унинг асоратлари танангизда абадий сақланиб қолар экан. Меҳнат тақозоси билан оғир ишларга қўл уриб, зўриқиб қолсам, дарров буйрак, бел ва ҳатто оёқ соҳаларимда кучли оғриқ турарди. Бир неча вақт дард ўтиб кетишига ишониб, юравердим. Лекин бу ишонч билан касалликни енгиб бўлмас экан. Шундан сўнг, Тошкент тиббиёт академиясининг 3-клиникаси Нефрология бўлимининг мудири, малакали шифокор Абдусаид Ҳасановга мурожаат қилганимда, у киши менинг соғлигимга нисбатан умид уйғота олди. Шу тобда ширин сўз қалбга даво эканлигини тушуниб етиб, бўлимда даволанишга аҳд қилдим. Олинган таҳлиллар шуни кўрсатдики, менда сурункали пиелонефритдан асоратлар бор экан. Тезда вақтни бой бермай, муолажалар бошлаб юборилди. Бўлим мудири А. Ҳасанов, даволовчи шифокор Ш. Тошпўлатов, ҳамширалардан К. Искандарова ва К. Эргашеваларнинг доимий назоратлари, эътиборлари туфайли саломатлигим анча тикланди. Оғриқ, ортиқча безовталанишдан энди асар ҳам қолмаган эди. Бироқ қандай ҳолат бўлмасин, ўз вақтида келиб даволаниб туриш, ўзимиз учун фойдадан ҳоли нарса эмас. Ҳозир эса шифокорлар ўгитига амал қилиб меҳнат фаолиятимни бошлаб юборганман. Лекин қалбимда бўлим ходимларига нисбатан миннатдорчилик туйғуси мангу сақланиб қолади. Шу фурсатдан фойдаланиб, севимли «Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш — Здравоохранение Узбекистана» газетаси орқали бўлимнинг барча ходимларига чексиз миннатдорчилигимни билдираман. Уларга оилавий бахт, сиҳат-саломатлик ва улкан зафарлар тилаб қоламан.

**Зиёдулла ЖЎРАҚУЛ ўғли,**
**Навоий вилояти,**
**Кармана тумани.**


### САҲИФАЛАРДА

**ҲАМШИРАЛИК ТАЪЛИМИНИНГ ЯНА БИР ИСТИҚБОЛИ**

*Ўзбекистоннинг «Ҳамширалик иши» бўйича мутахассислари қисқа ва узоқ муддатли малака оширувчи сифатида Япония давлатининг тиббиёт муассасаларида бўлиб қайтдилар.*

**Телемедицина Узбекистана в действии**

*С помощью ТСМ возможно проведение телемедицинских консультаций в режиме реального времени для постановки диагноза, выбора тактики лечения, определения дополнительных исследований.*

*2-бет.*

**ОНАЛАР ВА БОЛАЛАР СОҒЛИГИ УЧУН**

*3-бет.*

**ИНТИЛГАНГА ТОЛЕ ЁР...**

*4-бет.*


### ЭЪЛОН

***Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги маълум қиладики:***

*Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 21 декабрдаги «Тиббиёт ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашнинг такомиллаштирилган тизимини тасдиқлаш тўғрисида»ги 276-сонли Қарорининг 8-бандига асосан, 2006 йил 1 январдан бошлаб, нодавлат тиббиёт муассасаларида фаолият кўрсатаётган тиббиёт ва фармацевтика ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашнинг такомиллаштирилган тизимини жорий қилиш тавсия этилади.*

### ОБЪЯВЛЕНИЕ

***Министерство здравоохранения Республики Узбекистан сообщает, что:***

*согласно 8 пункта постановления Кабинета Министров Республики Узбекистан № 276 от 21 декабря 2005 года «Об утверждении усовершенствованной системы оплаты труда медицинских работников» руководителям негосударственных медицинских учреждений рекомендовано перейти с 1 января 2006 года к введению усовершенствованной тарифной сетки по оплате труда медицинских и фармацевтических работников.*


**REKLAMA VA E'LONLAR: TEL:. 133-13-22, 133-57-73.**

# ТЕЛЕМЕДИЦИНА УЗБЕКИСТАНА В ДЕЙСТВИИ

Теория и практика

***Указ Президента Узбекистана И. Каримова «О дальнейшем развитии компьютеризации и внедрении информационно-коммуникационных технологий» от 30 мая 2002 года дал мощный импульс развитию информационно-коммуникационных технологий (ИКТ) в стране. В настоящее время реализуется «Программа развития компьютеризации и информационно-коммуникационных технологий на 2002-2010 годы», утвержденная постановлением Кабинетом Министров Республики Узбекистан № 200 от 6 июня 2002 года.***

В связи с указанным, группой ученых-медиков и специалистов в области информационно-коммуникационных технологий МЗ РУз по инициативе и под руководством академика М. Абдуллаходжаевой в 2002 году была разработана телемедицинская система микроскопии (ТСМ), которая позволила организовать телеконсультации сложных биопсий опухолей для врачей-патологоанатомов, работающих в регионах страны.

Это связано с тем, что в последние годы усложнилась нозология заболеваний, претерпевших патоморфоз, особенно инфекционных, появились новые болезни в Узбекистане (пситтакоз, прионовые болезни), сложные опухолевые заболевания, трудно диагностируемые, особенно у детей. На местах работает много молодых врачей-патологоанатомов, пока не владеющих сложной биопсийной и аутопсийной диагностикой.

В Узбекистане патологоанатомическая служба представлена Республиканским патологоанатомическим центром МЗ РУ, патологоанатомическими отделениями НИИ (ПАО), 12 областными патологоанатомическими бюро (ОПАБ), межрайонными патологоанатомическими отделениями, которые находятся на значительном расстоянии от г. Ташкента и ОПАБ. В связи с чем развитие телепатологии является крайне необходимым.



Сконструированная учеными республики система предназначена для получения высококачественных микроскопических изображений с передачей их на монитор компьютера и телевизора, сохранения их на различных носителях, обработки и передачи полученных изображений по линиям связи для телеконсультаций. Установка соответствующего программного обеспечения позволит создать базу данных компьютерных изображений биопсийных и цитологических препаратов с возможностью импорта, экспорта, редакции и архивирования изображений.

С помощью ТСМ возможно проведение телемедицинских консультаций в режиме реального времени для постановки диагноза, выбора тактики лечения, определения дополнительных исследований. Полученные изображения могут быть использованы для демонстрации на конференциях, в учебных центрах, в научной и практической деятельности.

В апреле 2002 года ТСМ демонстрировалась на 7-й Ташкентской международной выставке «Здравоохранение», где вызвала большой интерес медиков и специалистов широкого круга.

Применение ТСМ в практической работе дало толчок развитию в РПАЦ раздела телемедицины, получившего название телепатологии. Задачами телепатологии являются:

- *консультации по биопсиям, дискуссии по сложным биопсийным и аутопсийным материалам;*
- *проведение клинико-анатомических конференций;*
- *повышение квалификации врачей-патологоанатомов;*
- *обучение студентов.*

Успешный опыт описанной выше телемедицинской системы микроскопии в РПАЦ и НИИ эндокринологии послужил основанием для разработки проекта «Клиническая и образовательная телемедицинская сеть между Узбекистаном и Швейцарией». Этот проект дает возможность проводить консультации биопсий и цитологических препаратов с врачами-патологоанатомами любой европейской страны, Австралии и Канады.

Недавно, с 23 по 30 января 2006 г., в соответствии с задачами указанного проекта в РПАЦ был проведен семинар патологоанатомов республики по обучению работе с ТСМ. В работе семинара приняли участие профессор кафедры патологической анатомии Базельского университета Мартин Обельголцер, основатель международной телепатологии инженер по ИКТ Курт Браухли, директор РПАЦ академик М. Абдуллаходжаева, зав.лабораторией «Телемедсистемз» Н. Каримов, главные патологоанатомы из 12 областей республики, сотрудники РПАЦ. Семинар проведен с целью внедрения телемедицины в отдаленные области республики.

**Ибодат СОАТОВА.**

---

JICA — *Япония сафаридан сўнг*

# ҲАМШИРАЛИК ТАЪЛИМИНИНГ ЯНА БИР ИСТИҚБОЛИ

***Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш тўғрисида»ги Қарорига биноан соғлиқни сақлаш тизими ходимларининг билим салоҳиятларини ошириш ва улар фаолиятига эътиборни кучайтириш бугуннинг асосий вазифаларидан бири бўлиб келмоқда. Жумладан, соғлиқни сақлаш тизимининг ривожида ҳамшираларнинг билим савияларини ошириш муҳим аҳамият касб этади. Шуни назарда тутган ҳолда Ўзбекистон ҳукумати Япония давлати билан ҳамкорликда бу соҳани такомиллаштириш бўйича кўпгина ишларни тўғри йўлга қўйди. Натижада эса 2004 йил 5 йилга мўлжалланган «Ҳамширалик таълимини такомиллаштириш» дастури ишлаб чиқилди. Албатта, бу лойиҳа ҳамширалар саводхонлигини ошириш, уларни бемор билан ишлашга ўргатиш ва замон талабларига жавоб берадиган етук мутахассислар тайёрлашга йўналтирилганлиги билан характерлидир. Ўтган 2005 йил «Сиҳат-саломатлик йили»да бу борадаги тадбирлар ўзининг муайян натижаларини бериб, дастурда кўрсатилган вазифалар юзасидан керакли хулосалар чиқаришга асос бўлади. Лойиҳада ҳамшираларни узоқ муддат ва қисқа муддатга амалиёт ўташларини таъминлаш бўйича ҳам қатор бандлар кўрсатиб ўтилган. Шу маънода, Ўзбекистоннинг ҳамширалик иши бўйича мутахассис ва педагоглари қисқа ва узоқ муддатли малака оширувчи сифатида Япония давлатида бўлиб қайтдилар. Мазкур вазифалар юзасидан куни кеча 1-Республика тиббиёт коллежида «2005 йил «Ҳамширалик иши»нинг Японияда ўрганилиши» мавзусига бағишланган тадбир бўлиб ўтди.***

Йиғилишда Япониянинг Халқаро Ҳамкорлик Агентлиги (JICA) вакиллари, Соғлиқни сақлаш вазирлигининг мутасадди раҳбарлари ҳамда «Ҳамширалик иши» бўйича мутахассислар иштирок этдилар. Тадбирни кириш сўзи билан очган Кадрлар, фан ва ўқув юртлари Бош бошқармаси бошлиғи Ш. Отахонов ҳамкорлик борасидаги муваффақиятлар хусусида гапирар экан, бу борада мутахассис кадрларнинг билим савияларини бойитиш долзарб вазифа бўлаётганлигини алоҳида таъкидлаб, Япония давлатида бўлиб қайтган ходимларнинг келгусидаги ишлари албатта, самара беришига умид боғлади. Жумладан, JICAнинг Ўзбекистондаги бош вакили Нишимия Норияки, эксперт Сачие Хаяшиларнинг сўзларига кўра, тиббий малакани ошириш ва жамиятда ҳамширалар мавқеини кўтариш, улар ўртасида давлатлараро тажриба алмашиш йўлга қўйиш, ишлаб чиқилган дастурнинг келажаги узоқ йиллар давом этиши лозимлиги тўғрисида ҳам илиқ фикрларни билдирдилар. Шунингдек, тадбирда Японияда бўлиб қайтган мутахассисларнинг маърузалари ва таассуротлари тингланди. Уларга иштирокчилар томонидан берилган саволлар, айнан юқоридаги масалаларга ойдинлик киритди. Тадбир сўнггида қатнашчилар ўзларига керакли хулосалар чиқариб, 2006 йилда қилинажак ишлар тўғрисида ўзаро келишиб олдилар. Биз эса Япония тиббиёт муассасаларини хусусида бой тажриба ва таассуротга эга мутахассислар билан суҳбатимизни давом эттирдик.

**Шоира ИСҲОҚОВА, 1-Республика тиббиёт коллежи акушерлик фани ўқитувчиси, «Ҳамширалик таълимини такомиллаштириш» дастури бўйича оналикдаги ҳамширалик иши бўлими бошлиғи, марказ ходими.**

— Мана 2 йилдирки, Япониянинг (JICA) Халқаро Ҳамкорлик Агентлиги Ўзбекистонда ҳамширалик таълимини такомиллаштириш лойиҳаси устида иш олиб бораяпти. Шу лойиҳанинг келажаги, тузилаётган янги дастурни аниқроқ тушуниш, яхшироқ билиш учун ҳамда Япониянинг ҳамширалик таълими тизимини ўрганиш мақсадида мана шу хизмат сафари амалга оширилди. Тўрт кишидан иборат гуруҳ узоқ муддатли стажёр сифатида 2 сентябрдан 17 декабргача Япония давлатининг тиббиёт муассасаларида бўлиб, бу вақт оралиғида биз билан ҳамкорликда иш олиб бораётган ОИТА префектура университетида таълим олдик. Бундан ташқари, Нарита, Нагасаки, Токио шаҳарларидаги университетларда малака ошириб, у ердаги бир қанча тиббиёт муассасалари ва туғруқхоналаридаги иш фаолияти билан яқиндан танишдик. Бизни қизиқтирадиган жиҳати шуки, Японияда ҳар бир беморга биттадан ҳамшира тўғри келар экан. Бемор парваришини такомиллаштириш учун эса демак беморга шифокор-терапевт, физиотерапевт, шунингдек, ҳамшира-координатор каби соҳа вакилларининг меҳнати муҳим ҳисобланаркан. Характерлиси, ҳамшира-координатор касби бизда ҳозирча йўқ. Унинг вазифаси шифохонадан чиқаётган беморнинг уй шароитлари, муаммоларини ўрганиб, агарда беморга зарурий ёрдамлар керак бўлса, унинг уй жиҳозларини ўзгартириб, таъминлаб ҳамда унинг келажаги қандай бўлади, ким билан яшайди, уни парвариш қиладиган инсон борми, йўқми, шу каби масалалар билан ишлаб, имконият даражасида бу ишга ижтимой таъминот ходимларини бириктирар экан. Таълим олиш жараёнида ана шунга ўхшаш фарқли ва баъзан ўхшаш жиҳатларни кўриб, тажриба алмашдик.Таассуротларимизни эндиликда амалиётга татбиқ этиш ниятдамиз.




**Сабоҳат ЗУПАРОВА, 1- Республика тиббиёт коллежининг «Ҳамширалик иши асослари» фани ўқитувчиси, узоқ муддатли стажёрлар ишчи гуруҳи раҳбари.**

— Японияга бориб келишдан асосий мақсад, ўқув дастурини такомиллаштириш йўлида янги билим ва кўникмаларга эга бўлиш, Япония соғлиқни сақлаш ва таъминот тизимини ўрганиш, ҳамширанинг роли, ҳамширалик да беморни парвариш қилиш услуби ҳамда ҳамширалик таълими тизимини ўрганишдан иборат.

Япониянинг кўпгина тиббиёт муассасаларидаги ҳамширалик таълими тизимидаги янгича имкониятлар билан танишиш давомида жаҳон андозаларига мос келадиган шарт-шароитлар, фарқли жиҳатлар ва бирбирига ўхшаш таълим тизимидаги ўзгаришларнинг гувоҳи бўлдик. Эндиликда олган билим ва кўникмаларимизни 2006 йилда жорий этиладиган янги ўқув дастури таркибига киритиб, дастурни тиббиёт коллежлари учун асосий манба бўладиган бой маълумотлар билан тўлдириш ва уларни замон руҳида тарбиялашга эришишдир, деб биламан. Шу фурсатдан фойдаланиб мен Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамда Япония Халқаро Ҳамкорлик Агентлиги (JICA) нинг мутасадди раҳбарларига чексиз миннатдорчилигимни билдираман.

***Ҳа, дунё билан бўйлашмоқ, ҳамкорлик борасида юксак ишларга қўл урмоқ, энг муҳими жамиятга соғлом ва ривожланган замон нафасини олиб кирмоқ, бу даврнинг асосий вазифаларидан бири ҳисобланади. Японияда узоқ ва қисқа муддат ичида олам-олам таассуротлар ҳамда бой тажриба билан қайтган барча мутахассисларимизга ҳамширалик таълими соҳасида мисли кўрилмаган янгиликлар яратишларига астойдил ишонамиз.***

**Намоз ТОЛИПОВ.**

## Новости

**2 февраля 2006 года в здании организации «ЭКОСАН» состоялось собрание. Его инициатором является организация «ЭКОСАН», которая на протяжении нескольких лет занимается охраной окружающей среды и пропагандой ведения здорового образа жизни среди населения нашей республики.**



# ЗА ЗВАНИЕ ЛУЧШЕГО

В собрании приняли участие представители Министерства здравоохранения Республики Узбекистан, Института здоровья, санитарно-эпидемиологической службы республики, некоторых больниц, а также сотрудники СМИ.

Главной задачей была разработка плана смотра-конкурса по следующим номинациям:

- *«Лучшая семейная поликлиника по пропаганде санитарно-гигиенических и экологических знаний»;*
- *«Больница высокой санитарно-гигиенической и экологической культуры» - среди инфекционных больниц;*
- *«Самый образцовый участковый врач по пропаганде здорового образа жизни, основ санитарии, гигиены и экологической культуры»;*
- *«Лучший санитарный врач Узбекистана».*

Смотр-конкурс поставил цель - выявить преданных своему делу специалистов, и на их примере вести тщательную работу по подготовке достойных кадров.

Смотр-конкурс пройдет в три этапа: районный, городской и республиканский. Каждый проведенный этап будет освещаться в СМИ. Для работы над организацией смотра-конкурса была учреждена специальная рабочая группа.

По окончании собрания присутствующие задали интересующие их вопросы.

Было запланировано, что последний этап и награждение победителей состоится ноябре.

# ЯНГИ ЛОЙИҲАЛАР АСОСИДА

**Жорий йилнинг 27 январь куни «Экосан» халқаро ташкилоти Ўзбекистон Миллий университети «Олтин мерос» халқаро хайрия жамғармаси, «Ёшлик» талабалар шаҳарчаси, «Маънавият ва маърифат» маркази қошидаги «Ёш экологлар клуби» ҳамкорлигида «Қадимги Қарши тарихида табиат ва инсон муносабатлари» мавзусига бағишланган учрашув бўлиб ўтди.**

Учрашувда Ўзбекистон Олий Мажлисининг сенат аъзолари, Қонунчилик палатаси депутатлари, Фанлар Академияси, илмий-тадқиқот институтлари, олий ўқув юртлари, жамоатчилик ташкилотларининг раҳбар ва вакиллари, тарих, архе-





ология ва экология соҳасида фаолият юритаётган етук олимлар ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этдилар.

Мазкур тадбирда Қарши шаҳрининг 2700 йиллигига бағишланган «Қадимги Қарши тарихида табиат ва инсон муносабатлари» мавзусидаги энг яхши илмий-тадқиқот иши бўйича республика кўрик-танловининг Низоми, мақсад ва вазифалари, муҳим йўналишлари ҳамда танловнинг шартлари эълон қилинди. Бундай савобли ишга қўл урилишининг асосий сабаби, халқимизнинг миллий урф-одатларига бўлган ҳурмат ва эътибор рамзи ҳамда келажак тарихимизга бўлган юксак ишонч.

**Ирода ИЛҲОМОВА.**

*Долзарб мавзуга бағишлаб*

# ОНАЛАР ВА БОЛАЛАР СОҒЛИГИ УЧУН



***2006 йилнинг 3 февраль куни Республика Гематология ва қон қуйиш илмий-текшириш институтида «Темир танқислиги камқонлиги муаммоси — жамоат муаммоси» мавзусида журналистлар, жамоат ва халқаро ташкилот вакиллари ҳамкорлигида брифинг бўлиб ўтди.***

Темир танқислиги камқонлиги, фолий кислота танқислиги бутун дунёда, шу жумладан, Ўзбекистонда ҳам долзарб муаммолардан бири ҳисобланади. Чунки, бу муаммо болалар ва ўсмирларнинг ақлий ва жисмоний ривожланишига салбий таъсири, иш қобилиятининг пасайиши, оналар ва болалар ўлими, умумий касалланиш кўрсаткичларининг ортиши, ижтимоий-иқтисодий зарар билан боғлиқлиги ҳеч биримизга сир эмас. Бу борада Гематология ва қон қуйиш илмий текшириш институти ва унинг қошидаги Республика камқонлик маркази камқонлик бўйича турли дастурлар асосида иш олиб бормоқда. Хабарингиз борки, марказга унни фортификация қилиш дастури, мониторингини ўтказиш ва унинг самарадорлигини баҳолаш вазифаси юклатилган.

Долзарб муаммони бартараф этишда институт мутахассислари саплементация, унни фортификациялаш дастурларини ишлаб чиқариш, жорий этиш, мониторинг ўтказиш самарадорлигини баҳолашда бевосита фаолият юритмоқдалар. Брифинг ўтказилишидан асосий мақсад, юқорида таъкидлаб ўтилган вазифаларнинг ижобий натижаларини ҳамда камқонлик бўйича юзага келаётган муаммоларни оммавий ахборот воситалари томонидан атрофлича тарғиб қилинмаётганлиги боис, уларни унни фортификация қилиш миллий дастурига қизиқишларини янада ошириш мақсадида Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва ЮНИСЕФ халқаро ташкилоти томонидан 2006 йил 1 январдан «Журналистика, телевидение, радио» соҳасида ушбу мавзу бўйича «Миллий мукофот кўрик-танлови»ни эълон қилиш кўзда тутилди.

**Намоз БЕК.**

*«Саломатлик-2» лойиҳаси амалда*

# БАҲС ВА МУНОЗАРАГА БОЙ



Тадбирнинг асосий мақсади Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш тизимида фаолият юритаётган тиббиёт муассасаларини молиялаштириш ва бошқариш тизимини янада такомиллаштиришдан иборат бўлиб, унда шаҳар ҳудудида фаолият олиб бораётган оилавий поликлиникаларда бирламчи тиббий-санитария ёрдамини тўғри йўлга қўйиш масалалари кўриб чиқилди. Молиялаштириш ва бошқариш, кадрлар тайёрлаш, тиббиёт муассасаларини зарур тиббий асбоб-ускуналар билан таъминлаш қўшма лойиҳа олдида улкан вазифаларни юклаши бежиз эмаслиги ва барча ҳамкор ташкилотлар биргаликда иш олиб боришлари таъкидлаб ўтилди.

Баҳс ва мунозарага бой бўлган ушбу йиғилишдан кўзланган мақсадларнинг амалга оши-

***Тошкент врачлар малака ошириш институтининг мажлислар залида «Саломатлик-2» ҳамда Оналар ва болалар соғлигини мустаҳкамлаш лойиҳаларини амалга ошириш бўйича қўшма бюронинг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Тадбирни Соғлиқни сақлаш вазирининг ўринбосари А. Комилов кириш сўзи билан очиб, қўшма лойиҳанинг аҳамияти нечоғлик муҳим эканлигини ўз фикрида баён этди.***



Йиғилишда Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамда лойиҳанинг мутасадди раҳбарлари, шунингдек, Тошкент шаҳар соғлиқни сақлаш Бош бошқармаси тасарруфидаги тиббиёт муассасаларининг бош шифокор ҳамда ҳисобчи ва иқтисодчилари иштирок этдилар.

шига ва ўзининг сермаҳсул натижасини беришига шубҳа йўқ.

**Ибодат ЖЎРАЕВА.**

*Анжуман*

# РЕЖАЛАР БЕЛГИЛАБ ОЛИНДИ

Тошкент шаҳар Давлат санитария-эпидемиология назорати марказининг мажлислар залида Республика Президентининг «Тадбиркорлик субъектларини текширишни янада қисқартириш ва унинг тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2005 йил 5 октябрдаги ПФ-3665 сонли Фармони ва текширишларни тартибга солиш борасида қабул қилинган бошқа қонун ҳужжатларидан келиб чиқадиган вазифалар ҳамда Соғлиқни сақлаш профилактика йўналишида шу кунгача олиб борилаётган тадбирлар ва уларнинг амалий натижалари тўғрисида кенг доирадаги анжуман бўлиб ўтди.

Тадбирда мутахассислар амалга оширилган ютуқли ишлар ҳамда муаммолар хусусида тўхталиб, 2006 йил режаларини белгилаб олдилар.

**2-3-саҳифалардаги суратлар муаллифи Асен НУРАТДИНОВ.**

# ОВҚАТДАН ЗАҲАРЛАНИШНИНГ ЯНА БИР ТУРИ ҲАҚИДА

***Ўсимликлар пайдо бўлгандан бошлаб, одамлар улардан ҳаёт учун керакли озиқ-овқат, дори-дармон ва кийим-кечакларни тайёрлаб, фойдаланиб келганлар. Дарҳақиқат, ўсимлик олами неъматларининг инсон организми учун фойдали ҳамда зарарли томонлари ҳам борлиги аниқланган.***

*Мутахассис огоҳлантиради*

Кейинги пайтларда республикамиз аҳолиси орасида ёввойи ҳолатда ўсадиган «Кампирчўпон» ўсимлигининг уруғи аралашиб қолган буғдой ва бошқа донлардан тайёрланган ун маҳсулотларини истеъмол қилиш натижасида айрим ҳолларда фожиали тугаётган «триходестомоктикоз» касаллиги қайд қилинмоқда. «Кампирчўпон» ўсимлигининг уруғи буғдой, масҳар ва бошқа ўсимликлар ўсадиган пайтларда тушганда кўплаб ўсади ва инсонлар истеъмол қиладиган донлар билан бир вақтда пишади, озуқа донлари билан аралашиб, шу дондан тайёрланган ун маҳсулотлари орқали одам организмига тушади. «Кампирчўпон»нинг заҳарли уруғи билан ифлосланган донларни мослаштирилган, заҳарли уруғлардан тозаловчи ускунаси бўлмаган ва лабораторияси йўқ хусусий тадбиркорларга қарашли тегирмонларда эзилиб тайёрланади. Тайёрланган ун маҳсулотлари инсон танасига кириб, қон ишлаб чиқарадиган суяк кўмиклари, жигар, талоқ ва бошқа аъзоларда тўпланиб, аста-секин қон ишлаб чиқариш жараёнини бузади, қоннинг таркибини суйилтиради (қондаги эритроцит, тромбоцит тўқималарини эритиб, гемолиз қилади), натижада организмнинг кундан-кунга қони камайиб, дармонсизланади. Ундан кейин ҳолсизланиш, бош оғриш, иштаҳа бўғилиши, кўнгил айнаши, бурундан қон кетиши, қорин атрофида оғриқлар пайдо бўлиши, бефарқлик ва асаб тизимини ишдан чиқариш каби касаллик белгилари пайдо бўлади.

Кўпчилик ҳолатда бу касаллик ривожланиб, 2-3 ой мобайнида ўша заҳар аралашган ун маҳсулотларини истеъмол қилган кишиларда «триходомотоксикоз» касаллигининг охирги аломатлари пайдо бўлгандан кейин шифокорга мурожаат қилинади. Беморнинг умумий аҳволи ўртача оғирликда бўлиб, кун сайин оғирлаша бошлайди, заҳар таъсирида асаб тизими сусайиб, ҳушсизлик белгилари, бурун, оғиз ва ичидан қон кетиш, терида қон қуйилиш (қизилчалар, кўкаришлар ва ҳоказо) ҳолатлари кузатилади. Ундан сўнг асаб тизимининг фалажлиги, жигар, овқат ҳазм аъзоларининг ишдан чиқиши, юрак қон-томир тизимларининг фаолияти бузилиши натижасида касаллик ўлим билан тугайди, кўпчилик ҳолларда одамлар ногирон бўлиб қоладилар.

Ўзбекистон Республикаси санитария-эпидемиология назорат маркази «Кампирчўпон» ўсимлиги уруғидан заҳарланишнинг (триходосмотоксиз касаллиги) олдини олиш мақсадида қуйидагиларга риоя қилишингизни тавсия қилади:

** дон маҳсулотларини ўриб, йиғиштиришдан олдин экин майдонларини жойлардаги энтомолог, қишлоқ хўжалик Давлат санитария-эпидемиология назорати ҳамда ўсимликлар карантин инфекцияси мутахассислари томонидан кўриб чиқилиши мақсадга мувофиқ бўлади;*

** буғдойзорларда «Кампирчўпон» ўсимлиги ўсаётгани аниқланса, дарҳол уларни териб олиб, йўқ қилиб ташлаш керак;*

** ўриб янчилган дон маҳсулотларини омборларга келтиришдан олдин яхшилаб кўриб чиқилиши, агарда «Кампирчўпон» уруғи донга аралашганлиги аниқланса, ушбу дон махсус тозалагичи бўлган тегирмонларда ун қилиб тайёрланиши лозим;*

** бозорларда ва белгиланмаган жойларда номаълум шахслар сотаётган дон маҳсулотларнинг сифати ва хавфсизлигини кафолатловчи ҳужжат бўлмаса, харид қилмаслик керак;*

** дон маҳсулотларига аралашиб қолиши мумкин бўлган заҳарли ўсимлик ва уларнинг уруғларини аниқлаш борасида билимга эга бўлмаган хусусий тадбиркорларнинг тегирмонларидан фойдаланмаслик мақсадга мувофиқ бўлади;*

** ўзингизда ёки қариндош-уруғларингизда юқорида қайд этилган (триходесмотоксиз) касалликнинг клиник белгиларини сезсангиз, тезлик билан тиббиёт ходимларига мурожаат қилинг.*

**Ж. ЗИЁВИДДИНОВ,**
**Республика Давлат санитария-эпидемиология назорати маркази, овқатланиш гигиенаси бўлинмаси санитария врачи.**

*Бу қизиқ*

### ОДАМ СУВ БИЛАН ТИРИК

Халқимизда «балиқ сув билан тирик» деган гап бор. Буни қарангки, одам ҳам фақат сув билан витамин истеъмол қилиб 249 кун яшаши мумкин экан. Буни шотландиялик шифокор тажрибаси исбот қилди. У кишиларни ҳаддан ортиқ семизликдан шундай усулда даволади.

13 кишидан иборат бир гуруҳ 25 кундан 249 кунгача очликка чидаган. Даволанувчилардан энг чидамлиси 44 килограмм ортиқча этини йўқотган. Гуруҳдаги кишилар фақат сув ҳамда витамин ичиб бир ой мобайнида ўрта ҳисобда 11 килограммдан ориқлаган. Бу каби кўпгина мисолларни жаҳон матбуоти ёки интернет тармоқлари орқали ҳам аниқлаб олиш мумкин.

### ВИРУСЛАР ҚИШНИ ҚАЕРДА ЎТКАЗАДИ?

Маълумки, вируслар (юқумли касалликларни тарқатувчи микроблар) йилнинг айрим даврларидагина хавфлидир. Хўш, йилнинг бошқа пайтларида улар қаерда бўлади? Кейинги вақтларда ўтказилган тадқиқотлар туфайли вируслар тўғрисида ғалати маълумотлар олинди. Масалан, отларда касаллик қўзғатувчи вирус бутун қиш давомида илонларнинг организмида яшар экан. Илонлар қишки уйқудан уйғониши билан вирус илонларни чақувчи чивинлар танасига ўтар экан. Бу чивинлар ўз навбатида сут эмизувчиларни, жумладан, отларни чақар экан.

Бундан хулоса шуки, ҳар бир вируснинг қаерда қишлаши аниқланган тақдирдагина, уларга қарши самарали кураш олиб бориш мумкин.

**Акбар АЛИЕВ тайёрлади.**

*Зулфия номидаги давлат мукофотига номзодлар*



***Маъсуда ярим тунда ёрдам сўраб чиққан ён қўшнисининг райини қайтаролмай, отасининг рухсати билан уларникига чиқиб кетди. То чақиртирилган «тез ёрдам» етиб келгунга қадар, бемор бошида парвона бўлиб, оғриқ қолдирувчи укол қилди, ўзини қўярга жой топа олмай, унга нажот кўзини тикиб турган хонадон аъзоларига қўлидан келганча тасалли бериб турди.***

***Ота муштдаккина қизалоғи вояга етиб, одамлар корига ярашиғлик дастёр бўлиб қолганидан, ичида беҳад қувонди. Тиббиёт коллежини тугатиб, ҳамширалик касбини эгаллаган палласида шунчалар иззат-икром қилишса, насиб қилса катта дўхтир бўлиб кетса ажаб эмас...***

# ИНТИЛГАНГА ТОЛЕ ЁР...

Маъсуда мактабда ўқиб юрган кезлари ўқитувчилик касбига астойдил меҳр қўйган, келажакда албатта педагог бўламан деб орзу қилиб юрарди. 1998 йили Тошкентдаги 85-ўрта мактабни аъло баҳолар билан тугаллаб, шу йили шаҳар соғлиқни сақлаш Бош бошқармасига қарашли тиббиёт коллежига ўқишга кирди. 2001 йили билим юртини имтиёзли диплом билан битириб, давлат гранти асосида биринчилар қатори Тошкент Тиббиёт академиясига ўқишга қабул қилинди. Ёшликдаги педагогликка бўлган ҳавас ўрнини эндиликда, шифокор бўлишдек эзгу орзу буткул эгаллаган эди. Билимга чанқоқ мурғаккина қиз ўқишларни мукаммал ўзлаштириб бориш билан бирга, ўз соҳасига доир қўшимча адабиётлар билан танишиш, Интернет орқали жаҳон соғлиқни сақлаш тизимида рўй бераётган турли янгиликлар билан билим доирасини бойитиб боришга интилди. Ундаги бу қизиқишни кузатиб юрган устозлари Маъсуда Ғиёсовани талабалар илмий жамияти фаолиятида иштирок этишга жалб этишди. У ўзининг турли мавзудаги илмий маърузалари билан тез орада кўпчилик устозлари ва тенгдошларининг эътиборини қозонди. Фахрли ўринларни эгаллаб, турли совринларга сазовор бўла бошлади.

Ўқишдан бўш вақтларини республика паталогик анатомия марказида ўтказишни одат қилиб олган М. Ғиёсова, бу ердаги устозлари, хусусан профессор Ражаб Исроилов раҳбарлиги остида илмий изланишлар олиб бормоқда. Аёллардаги ҳомиладорлик билан боғлиқ ҳолда ривожланадиган трофобласт касалликлари, ундан ташқари ҳомиладорликда ўткир вирусли касалликлар ва оналар ўлимида вирусли инфекциянинг ўрни ҳамда паталогик анатомияси каби мавзулар билан жиддий шуғулланмоқда. Устозларининг тавсияси билан унинг "Одам танаси ва аъзоларидаги касалликларнинг белгилари", "Оналар ўлимида вирусли инфекциянинг ўрни ва паталогик анатомияси", "Трофобласт касалликлар" ва бошқа мавзулардаги бир қатор мақолалари ўзбек ва рус тилидаги тиббий нашрлар ва республика матбуотида чоп қилинди. Эндигина тўртинчи босқич талабаси сифатида билимини ошириб бораётган бу қиздаги ғайрат-шижоатни, изланувчанликни кузатиб юрган Тиббиёт Академияси Хотин-қизлар қўмитасининг раиси Лола Абдуқодирова ва "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракатининг етакчилари Маъсуда Ғиёсова номзодини Зулфия номидаги давлат мукофотига тавсия этиш хусусида бир фикрга келишди. Ўқишда ва илмий изланишларда аъло натижаларни қўлга киритаётган ёш толиба қиз учун бу катта ишонч эди.

– Тўғриси, тенгдошларим орасида Президентимизнинг ва "Ибн Сино" номидаги давлат стипендияларини олишга сазовор бўлган ёшларни кўриб астойдил ҳавас қилиб юрардим. Менга ишонч билдириб номзодим Фан йўналиши бўйича Зулфия номидаги давлат мукофотига тавсия этилгани, қалбимни чексиз ғururга тўлдириб юборди, – дейди Маъсуда Ғиёсова. – Мен учун энг аввало мана шунингдек нуфузли давлат мукофотига тавсия этилганимнинг ўзи катта ютуқ ҳисобланади. "Туркистон" газетаси орқали бутун республикамиз вилоятлари ва Қорақалпоғистондан мазкур мукофотга номзодлари қўйилган даъвогарлар рўйхати билан танишиб чиқдим. Биргина Фан йўналиши бўйича қўйилган номзодлар орасида тенгдош тиббиётчилардан хоразмлик Нилуфар Отажонова, қорақалпоғистонлик Замира Палуаниязова ҳамда Бухоро тиббиёт институтининг 2-курс клиник ординатори Нилуфар Наймоваларнинг борлиги мени беҳад қувонтирди. Ким ғолиб бўлишидан қатъи назар, шахсан мен барча номзодларга, шу жумладан ўзимга ҳам омад ёр бўлишини тилаб қоламан. Ўзимга келсак, Тошкент Тиббиёт академияси ва унинг кўпминг сонли жамоасининг юксак ишончини оқлаш учун танловга жиддий тайёргарлик кўра бошладим. Танловнинг шаҳар босқичида ғолибликни қўлга киритиб, энг юксак чўққи – республика миқёсидаги шоҳсупага кўтарилиш эндиликдаги бирдан-бир эзгу орзуим.

Маъсуда Ғиёсова ўқиш билан амалиёт бир-бири билан узвий боғлиқлигини чуқур англаган ҳолда Тошкентдаги 1-Перинатал марказдаги иш фаолиятини тўхтатгани йўқ. Мана тўрт йилдирки у мазкур муассасада лаборантлик қилиб келади ва тунги навбатчиликда қолиб, устозларидан ўрганаётган билимларини амалиёт билан пухта мустаҳкамлаб бормоқда. Ўтган йили Маъсуда келинлик либосини кийиб, ажойиб хонадонга дилбар келин, турмуш ўртоғи Муроджонга суюкли ёр бўлди. Оиладагилар Маъсудадаги интилиш, изланиш ва фидойиликни кўриб, унинг яхши билим олиб, келажакда меҳрибон шифокор, етук олима бўлиб етишиши йўлида барча шароитларни яратиб беришди.

– Маъсудадаги тиришқоқлик, илмга ташналикни кўриб, унга ҳар қанча ҳавас қилса арзийди, – дейди Тошкент Тиббиёт академияси даволаш факультетининг декани, профессор Октябр Тешаев. – Мустақил юртимизнинг келажаги бўлган бу каби ёшлар Ўзбекистон довруғини бутун оламга таратишга қодир. Мен кунда улар билан юзма-юз келар эканман, мана шу ўғил-қизларимиз орасидан Ибн Сино, Беруний, Улуғбекдек буюк алломалар етишиб чиқишига астойдил ишонаман.

Ўз олдига улкан мақсадларни қўйган ва танлаган касби қанчалар масъулиятли ва айни дамда қанчалар олижаноб эканлигини чуқур ҳис қилган Маъсуда Ғиёсовага омад ёр бўлишини тилаб қоламиз.

**Миржалол МИРАЛИЕВ.**

Министерство здравоохранения выражает соболезнование в связи с кончиной Заслуженного работника здравоохранения, кандидата медицинских наук
**ШАРИПОВА Мирхамида Камиловича.**

O'ZBEKISTONDA SOG'LIQNI SAQLASH
ЗДРАВООХРАНЕНИЕ УЗБЕКИСТАНА

**Gazeta muassisi:**
O'zbekiston Respublikasi Sog'liqni saqlash vazirligi

**Bosh muharrir vazifasini bajaruvchi:**
**Ibodat SOATOVA.**
Tahrir hay`ati raisi: F. NAZIROV.
Tahrir hay`ati a`zolari: B. ARIPOV (Bosh muharrir o'rinbosari), B. ALIMOV, G. ISLOMOVA, O. MIRTAZAYEV, O. MUHITDINOVA. M. MIRALIYEV (Bosh muharrir o'rinbosari), B. NIYAZMATOV, F. OQILOV, N. OTABEKOV, X. RABBANAYEV, R. SÒLIXO'JAYEVA, N. TOLIPOV, M. TURUMBETOVA, A. UBAYDULLAYEV, F. FUZAYLOV, N. SHARAPOV.

Manzilimiz: 700060, Toshkent, Oxunboboev ko'chasi, 30-uy, 2-qavat. Tel/faks: 133-57-73; tel. 133-13-22. Gazeta O'zbekiston Respublikasi Matbuot va axborot agentligida 2003-yilning 17-noyabr kuni ro'yxatga olingan, guvohnoma raqami 211.
Adadi 8.074 nusxa. O'zbek va rus tillarida chop etiladi.
Haftaning seshanba kunlari chiqadi. Maqolalar ko'chirib bosilganda «O'zbekistonda sog'liqni saqlash»dan olindi deb ko'rsatilishi shart. Buyurtma Г-451.

Gazeta «SHARQ» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi. Korxona manzili: Toshkent shahri, Buyuk Turon ko'chasi, 41. Hajmi 2 bosma taboq. Formati A3. Ofset usulida bosilgan. Gazeta IBM kompyuterida terildi va sahifalandi. E'lon va bildiruvlardagi fakt hamda dalillarning to'g'riligi ushun reklama va e'lon beruvchilar mas'uldir.

Sahifalovchi: Baxtiyor QO'SHOQOV.
Bosmaxonaga topshirilish vaqti 20.00.

Topshirildi 17.00. 1 2 3 4 5